

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 178 (178), 2020 йил 17 сентябрь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz_uz_news



СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 16 сентябрь куни сув ҳўжалигида тежамкор технологияларни жорий этиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Минтақамизда сув танқислиги билан боғлиқ вазият йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда. Охириги 10 йилда, мисол учун, Ўзбекистонда сув ҳўжми 12 фоизга, ўтган йилга нисбатан эса бу йил 15 фоизга камайган.

Пахта ва галла етиштириш учун сарфланаётган электр энергияси ҳамда сувни етказиб бериш харажатлари ҳам кўп. Хусусан, 2,5 миллион гектар майдонни сўғориш учун 5 мингдан зиёд насос ишлатилиб, йилга 8 миллиард киловатт соат энергия ва 2,4 триллион сўм бюджет маблағлари сарфланмоқда. Бир гектар майдонга сувни насослар орқали етказиб бериш учун бюджетдан ўртача 800 минг сўм харажат қилинапти. Эгитлаб сўғориш оқибатида йилга қарий 5-6 миллиард куб метр ёки 20 фоиз сув далада беҳуда сарфланмоқда.

Бундай шароитда сувни тежаш ва ҳисобини юритиш ҳар доимидан ҳам долзарб масалага айланган. Ўтган йилда Президент ва ҳўкуматнинг шу соҳага доир 11 та қарори қабул қилиниб, ҳамма шароит яратиб берилди.

Лектин йиғилишда таъкидланганидек, бажарилган ишлар имконият даражасида эмас. Масалан, шу пайтгача 285 минг гектар, яъни бор-йўғи 7 фоиз ерда сув тежовчи технологиялар жорий этилган. Бу борада, айниқса, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятларида қолоқлик бор. Фуркат, Бўка, Чиноз, Сардоба, Тахтақўпир, Қораўзақ, Касби, Қизирик, Музабот туманларида сув тежовчи бирорта ҳам лойиҳа татбиқ қилинмаган.

Шу боис, видеоселекторда сув ҳўжалигидаги ишлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва туманлар кесимида танқидий таҳлил қилиниб, галдаги муҳим вазифалар муҳокама этилди. Келгуси йилда сув тежовчи технологияларни жорий этишни 600 минг гектарга етказиш режа қилиб қўйилди. Бунинг учун давлат бюджетидан зарур маблағ йўналтириш, ташаббускорлар харажатининг бир қисmini қоплаш

учун субсидия бериш, шунингдек, халқаро молия ташкилотлари ресурсларини жалб қилиб, салоҳиятли фермер ҳўжаликлари ва кластерларга тижорат банклари орқали кредит ажратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Сув тежовчи технологиялар қамрови кенгайтиши билан уларни ишлаб чиқаришга ҳам талаб ошади. Бироқ юртимизда шунга ихтирослашган 13 та корхонанинг қуввати келгуси йил эҳтиёжининг ярмини қоплашга ҳам етмайди. Шу боис, мутасаддиларга Самарқанд, Тошкент ва Наманган вилоятларида сув тежовчи технологиялар учун ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Соҳадаги яна бир инновация — кластерлар 3 минг гектардан зиёд экин майдонини лазер ёрдамида текислаш орқали сув сарфини 20-25 фоиз, ўғитни 15 фоиз тежашга, ҳосилдорлиқни камида 10 фоизга оширишга эришган. Давлатимиз раҳбари бу тажрибани кенг қўллаб, пахта, галла ва шолчи майдонларини лазер ёрдамида текислаш муҳимлигини таъкидлади. Молия вазирлиги ушбу технологияни жорий қилишга Қишлоқ ҳўжалиги жамғармасидан камида 250 миллиард сўм кредит ажратиш топширилди.

Жорий йилда Қўйи Чирчиқ, Нарпай, Булунгур, Сардоба, Нишон, Касби туманларида сув ҳўжалиги объектлари хусусий шериклик асосида тадбиркорларга берилиб, намунавий лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу орқали мазкур иншоотлар модернизация қилиниб, эксплуатация харажатлари анчайин қисқаради. Йиғилишда бундай лойиҳаларни бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Сув исрофига сабаб бўлаётган муаммолардан яна бири шунки, бугунги кунда 3 мингдан зиёд сув ўлчаш постларининг атиги 2 фоизи, 400 та ийрик сув объектининг 2,5 фоизидан бошқариш тизими автоматлашган, холос. Шу боис, Сув ҳўжалиги

вазирлигига йил якунигача 150 та, келгуси йилдан барча ўлчаш постларида сувни онлайн режимда назорат қилувчи автоматлашган тизим жорий этиш вазифаси юклатилди.

Маълумки, бу йилдан қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига сув солиғи бўйича берилган имтиёзлар бекор қилинди. Шу билан бирга, сувдан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоизга пасайтирилди. Президент ушбу қарорни қабул қилишга келгуси йилда ҳам сақлаб қолиш зарурлигини таъкидлади.

Сўғориш меъёрларини ҳисоблаш методикасини БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО) талабларига мослаштириш, сув ҳисоблагичлар ўрнатган истеъмолчиларни рағбатлантириш юзасидан вазифалар белгиланди.

“Ўзбекбаликсанот” уюшмасига коллектор сувларида балиқчиликни ривожлантириш бўйича топшириқ берилди.

Наманган тажрибаси асосида гидрогеологик қидирувларни кенгайтириб, ероти сувларидан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.


Йиғилишда сув ҳўжалиги соҳасида фан ва таълимни ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилди. Ирригация ва мелiorация объектларини барпо этиш ҳамда реконструкция қилиш ишларига илмий ходимларни бириктириш муҳимлиги таъкидланди. Бу орқали фан намоёндалари объектларнинг лойиҳаолди ҳужжатларини тайёрлашдан уларни фойдаланишга топширишгача бўлган жараёнларда қатнашиб, қурилиш ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиб боради. Фан ва амалиёт йўғунлиги таъминланиб, келгусидаги лойиҳалар пухта ишлаб чиқишида кўл келади.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ва туман ҳўкмлари аҳборот берди.

Ў.А.

Туркия Президентининг Бош маслаҳатчиси:

“ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР МАМЛАКАТ, МИНТАҚА ВА ДУНЁ УЧУН ФОЙДАЛИ”



Ўзбекистон бугунги кунда халқаро ташкилотлар доирасидаги иштирокини сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар нуқтаи назардан фаоллаштиришда давом этмоқда. Бу борадаги ижобий интилишлар мамлакат ва минтақа, шу билан бирга, дунё миқёсида ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар Марказий Осиёда ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди.

Айни ташаббуслар самарасида Марказий Осиё халқаро жамоатчилик учун барқарор иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг янги имкониятлари сифатида қайта намоён бўлмоқда. Давлатлар сиёсий доира вакиллари ва етакчи таҳлил марказлари Президентимиз сайё-харакатлари, оруз-интилишларига хайрихоҳлик билдирмоқда.

Хусусан, Туркия Республикаси Президентининг Бош маслаҳатчиси Ялчин ТОПЧУ “Дунё” АА муҳбири

билан суҳбатда қуйидагиларни қайд этди. — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги тарихий нутқи минтақа ва дунёда тинчлик-тотувлик, тараққиёт ва барқарорлиқни таъминлашга қаратилган таклифларга бой бўлган эди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюцияси қабул қилиниши, мунозара ҳуқуқлари бўйича халқаро мунозара ташкил этилгани Ўзбекистоннинг замонавий ва дунё ҳамжамиятида ўз сўзига эга давлат сифатида намоён бўлаётганидан далolat.

БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясининг Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилгани, Туркия ва бошқа давлатлар томонидан қўллаб-қувватлаш орқали қабул қилиниши муҳим воқеалиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги “Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида “Қишлоқ ҳўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4021-сон қарорига асосан:

а) “Қишлоқ ҳўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳаси (кейинги ўринларда — Лойиҳа) доирасида 2020 йил 4 августда Ўзбекистон Республикаси ва Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси ўртасида қўшимча 46,2 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит, шунингдек, 800 минг АҚШ доллари миқдоридagi грант маблағлари бўйича қарз битимининг (кейинги ўринларда — қарз битими) имзоланганлиги;

б) Лойиҳани амалга ошириш доирасида: Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг кредити ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ва транспорт воситалари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари), қўшилган қиймат солиғидан ва йиғимлардан;

иштирок этаётган жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси нарезидентлари даромадлари жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқдан озод қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қарз битими мувофиқ Лойиҳа доирасида жалб этиладиган қўшимча қарз маблағлари қуйидагиларга йўналтирилиши белгилансин:

Қишлоқ ҳўжалигида диверсификация қилиниши молиялаштириш бўйича кредит ажратиш учун — 39,8 миллион АҚШ доллари. Бунда кластер ва кооперациялар ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ИШТИРОКИДА “ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ” ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси ижросини таъминлаш, Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси билан ҳамкорлиқни кенгайтириш, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва қўшилган қиймат занжирини яратишни кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги “Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида “Қишлоқ ҳўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4021-сон қарорига асосан:

а) “Қишлоқ ҳўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳаси (кейинги ўринларда — Лойиҳа) доирасида 2020 йил 4 августда Ўзбекистон Республикаси ва Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси ўртасида қўшимча 46,2 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит, шунингдек, 800 минг АҚШ доллари миқдоридagi грант маблағлари бўйича қарз битимининг (кейинги ўринларда — қарз битими) имзоланганлиги;

б) Лойиҳани амалга ошириш доирасида: Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг кредити ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ва транспорт воситалари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари), қўшилган қиймат солиғидан ва йиғимлардан;

иштирок этаётган жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси нарезидентлари даромадлари жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқдан озод қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қарз битими мувофиқ Лойиҳа доирасида жалб этиладиган қўшимча қарз маблағлари қуйидагиларга йўналтирилиши белгилансин:

Қишлоқ ҳўжалигида диверсификация қилиниши молиялаштириш бўйича кредит ажратиш учун — 39,8 миллион АҚШ доллари. Бунда кластер ва кооперациялар ҳамда

уларга аъзо бўлган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга — 30,3 миллион АҚШ доллари, ешлар ва аёллар учун — 5 миллион АҚШ доллари миқдорида. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига 4,5 миллион АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилади;

ирригация тизимларини модернизация қилиш учун — 3,1 миллион АҚШ доллари. Бунда ўрмон фонди ерларида тик қудуқ қазив ва насос ўрнатилган орқали сув чиқаришга 2 миллион АҚШ доллари сарфланади;

қишлоқ ҳўжалигида билим, инновация ва агрохизматлар тизимини ривожлантириш бўйича — 4,1 миллион АҚШ доллари.

3. Қуйидагилар:

Қишлоқ ҳўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳасига жалб этиладиган қўшимча молиялаштириш доирасида Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг қарз маблағларини сўндириш, фоиз ва комиссия тўловларини амалга ошириш прогноз жадвали 2-иловага мувофиқ;

Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг “Қишлоқ ҳўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳасига жалб этиладиган қўшимча молиялаштириш доирасида “Йул харитаси” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Лойиҳанинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини ҳамда натижадорлигини таъминлайди;

Лойиҳада иштирок этувчи тижорат банклари зиммасига кредит линиясини бошқариш, Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси қарзининг ўз вақтида ўзлаштирилиши ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек, сублоийҳаларни амалга ошириш бўйича ҳисобот ва мониторингнинг юритиш вазифалари юкланади.

Давоми 2-бетда

Адиблар хиёбонида

БИЗ СУЙГАН БУ ВАТАН ШУНЧАЛАР ГЎЗАЛ!



Куз гуллари тонг шабодасида тебраниб, атрофга анвойи бўйлар таратган паллада пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонига бир гуруҳ талаба ёшлар ўқитувчилари билан кириб келди. Қизгин суҳбат оралаб кечаётган мушоиралару мулоҳазаларни тинглаб, қадамлари дадил йигит-қизларни қузатар эканмиз, Президентимизнинг: “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак”, деган сўзлари нақадар ҳақ эканига яна бир бор амин бўлдик.

Қўлида китоб ушлаганича уйга чўмиб ўтирган адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов сиймоси қошида тўпланаётган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабалари даврасида адабий учрашув олдидан шахмат тахтаси устида аллақачон қизгин мусобақа бошланиб кетган эди. Талабаларга ҳақамлик қилаётган устоз Мухтор Худойқулов билан бир даврада йиғилган таниқли журналистлар, шоир ва ёзувчиларнинг атоқли олим билан боғлиқ хотираларини бир тингласангиз эди...

— Озод домланинг катта ишларидан бири шунки, 23 йил олдин уларнинг таклифи билан юртимизда “Жаҳон адабиёти” журнали таъсис этилди. — дейди “Жаҳон адабиёти” журналы бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев. — Гарчи ўша пайтда соғлиғида муаммо бўлса-да, Озод Шарафиддинов бу журнал оёқга туртиши учун жуда катта меҳнат қилди. Хозиргача журналимиз орқали жаҳон адабиётидаги 340 та қисса ва романи ўзбек тилига ўгириб, юрдошларимизга тақдим этдик.

Бу даврдан сал узоқлашсангиз, хиёбонга ўзгача кўрк бағишлаган гултоқсанжўрлару назомшомғуллар оралаб, қаршингиздан Қумуш-биби Фузулий ғазалларини ўқиганча чиқиб келади. Ҳа, Абдулла Қодирий бизга мерос қилиб

қолдирган бебаҳо меросимизга ким ҳам мафтун бўлмайти дейсиз...

— Мен ҳар сафар ушбу асарни ўқиганимда янги маънолар топаман. — дейди Қумуш-биби образидagi қиз — Тошкент давлат техника университети 4-босқич талабаси Майсара Очилова. — Айниқса, Қумуш-биби образидagi асл ўзбек қизининг иродаси, андишаси, ибоси ва ҳаёсига ҳавас қилмаган бормикан... Бугун боғдаги адабий суҳбатларда яна бир ҳақиқатни кашф этдим, “Ўткан кунлар”да аслида миллатимиз ўтмиши ва эртаси билан боғлиқ катта муаммолар ёритилган экан. Хиёбондаги ҳар бир учрашув бизга миллатимиз ва маънавиятимиз билан боғлиқ кўплаб ҳақиқатлар аён бўлишида ёрдам бермоқда.

Ҳа, Адиблар хиёбонида кечган навбатдаги байрам тадбирида ёш қалблар маънавиятимизнинг кўхна чашмаларидан, устозлар сабоқларидан яна бир бора баҳраманд бўлди. Масрур диллар-ла учрашиб, эртанги кун орзулари ва юксак мақсадлари билан яшаётган ёш замондошларимиз билан суҳбат асосида Чўлпонга ҳамоҳанг бир мисра кўнгиладан кечди: “Биз суйган бу Ватан шунчалар гўзал!”

Давоми 3-бетда



Хизми йўлдошлар билан суҳбатлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ
ИШТИРОКИДА “ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ”
ЛОЙИХАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиш 1-бетда

5. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг 35 325 000 АҚШ доллари миқдоридagi қарз маблағларининг қайтарилиши тўлиқлигича Лойиҳа доирасида тижорат банкларига қайта кредитланганидан маблағларнинг қайтарилиши ҳисобидан ҳамда қолган 10 875 000 АҚШ доллари миқдоридagi қарз маблағларининг қайтарилиши Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан амалга оширилади.

6. Лойиҳа доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг қарз маблағларини қайта кредитлаш битимларида субсидиар қарзнинг фоиз ставкаси “Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси қарз маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан белгилансин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига бир ой муддатда “Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳасига жалб этиладиган қўшимча молиялаштириш маблағлари доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси қарз маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш ҳамда Молия вазирлиги ва Марказий банкка тасдиқлаш учун киритиш вазифаси юклатилсин.

8. Молия вазирлиги Лойиҳа доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси қарз маблағлари буйича қайта молиялаштириш битимлари, шунингдек, заруриятга кўра, уларга тегишли ўзгартиришларни имзолаш ваколати берилсин.

9. Ташқи ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртманомалари буйича Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кўп мартали визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва муддати узайтирилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатга қўйилиши ва муддати узайтирилиши тез фурсатларда таъминлансин.

10. Ички ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртманомалари буйича Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кўп мартали визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва муддати узайтирилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатга қўйилиши ва муддати узайтирилиши тез фурсатларда таъминлансин.

11. Ҳисоб палатаси Лойиҳа доирасидаги маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясига ахборот киритиб босин.

12. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Лойиҳа доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши жараёнида очиқлик ва ошкороликни таъминлаш устидан доимий назорат ўрнатсин.

13. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) қишлоқ хўжалиги вазири Ж.Ходжаев: бир ҳафта муддатда масъул ижрочилар иштирокида мажлис ўтказиб, уларнинг аниқ вазифаларини белгилаб берсин;

б) Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда Лойиҳа доирасида маблағлардан фойдаланиш бўйича ҳудудлар кесимида “Йул харита”ларини тасдиқласин;

в) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Молия вазирлиги (Эргашев), Марказий банк (Холхужаев) билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳани амалга оширишга масъул бўлган ходимлар учун хорижий консултантларни жалб қилган ҳолда икки кунлик семинар ташкил қилсин;

г) молиялаштирилган сублойиҳалар тўғрисида, шунингдек, уларнинг сифатли амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб босин;

д) Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари бир ой муддатда Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар юзасидан ташаббускорлар иштирокида тақдимотлар ўтказсин;

е) қишлоқ хўжалиги вазири Ж.Ходжаев: Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида соҳанинг етук маҳаллий мутахассисларидан иборат бўлган илмий-техник кенгашни шакллантириб, у томонидан Лойиҳанинг

компонентлари доирасидаги техник топшириқлар амалга оширилиши, ҳужжатларнинг кўриб чиқилиши ва дастлабки ҳулоса берилишини;

қишлоқ хўжалигида билим, инновациялар ва агрохизматлар тизими доирасида илмий-тадқиқот ва инновация йўналишлари маблағларини ажратишда соҳани ривожлантиришнинг устувор вазифаларига мувофиқлиги, иқтисодий самарадорлиги ва асосланганлиги алоҳида эътибор қаратилишини;

Лойиҳани амалга оширишда қишлоқ хўжалиги иختисослашган олий таълим муассасаларини кенг жалб қилиб, амалий семинар ва ўқув курслари ташкил этилишини;

Лойиҳа доирасида иқтисод қилинган маблағларни молиялаштиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси билан келишган ҳолда қайта тақсимланишини таъминласин.

Қишлоқ хўжалиги вазирига, зарур ҳолларда, ушбу қарорнинг 1 ва 3-иловалари билан тасдиқланган Лойиҳа техник-иқтисодий асосланувининг асосий кўрсаткичлари ҳамда “Йул харитаси”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида “Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ПҚ – 4021-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва Ҳ.И.Барноев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 15 сентябрь

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА
ЛОЙИХАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЯНАДА
ЖАДАЛЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида “Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори имзоланди.

Қарор билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси ижросини таъминлаш, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро

жамғармаси билан ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг диверсификация қилиш ва қўшилган қиймат занжирини яратишни кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолиси бандлиги ва

даромадини ошириш бўйича белгилаб берилган вазифалар жадаллаштирилади.

Хорижий экспертлар ва соҳа мутахассислари ўз интервьюларида мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти хусусида фикр юритдилар.

Абдувоҳид ҲОЗГЕЛДИЕВ,
Сув хўжалиги вазирлиги ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари:

— Сугориш тармоқларида эски тупроқ ўзанли каналлар ўрнига композицион лотоклардан фойдаланиш, тупроқ қопламалари ўрнига бетон қопламалари ва бошқа материалларни ишлатиш уларнинг фойдали иш коэффициентини оширади. Бунинг натижасида ерларнинг шўрланиши ва фойдали иш коэффициентини 0,63 дан 0,70 фоизгача ошириш, шўрланган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга эришилади.

Қишлоқ хўжалиги экинларини сугоришда смарт технологияларни қўллаш орқали эса бугунги кунда сугоришга сарфланаётган 90-91 фоиз сувнинг тежалиши ва уни бошқа соҳаларга йўналтириш имконини беради.

— Мазкур қарор асосида йўлга қўйилган лойиҳа Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармаси — IFADнинг Ўзбекистондаги учинчи лойиҳаси ҳисобланади. Бу дастур бевосита қишлоқ хўжалиги, қишлоқ жойлардаги аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга йўналтирилган.

Қарорга биноан, қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича “Йул харитаси” тасдиқланди. Унга кўра, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилишни молиялаштириш бўйича 39,8 миллион АҚШ доллари миқдориди кредитлар

ажратишни назарда тутди. Хусусан, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида кооперация ва кластерларга бирлашган тадбиркорларга кафилик ва компенсация ажратишни кенгайтириш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига 4,5 миллион доллар маблағ йўналтирилди. Кооперация ва кластерларга аъзо бўлган ташаббускорларнинг ҳар бирига 10 йил муддатга 500 минг долларгача кредит ажратилади. 35 ёшгача бўлган ташаббускорларга 10 йил муддатга 50 минг долларгача соддалаштирилган кредит тақдим этилади.



Жасур МАТРАСУЛОВ,
Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш лойиҳаси менежери:



Бридждж ДЖИДЖАН,
Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармаси — IFADнинг Яқин Шарқ, Шимолӣ Африка ва Европа мамлакатлари бўйича департаменти директори:

— “Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизнинг янги босқичидир. Биз бундан деярли етти йил олдин кичикроқ миқёсда иш бошлаган эдик. Ҳозирги кунда эса IFADнинг Ўзбекистонда катта сармоялари бор. Ушбу лойиҳа Фарғона водийси учун мўлжалланган бўлиб, ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги секторини қўллаб-қувватлаш, фермерларнинг инфратузилма ва молиялаштириш имкониятларини яхшилашга қаратилган. Умид қиламанки, ушбу лойиҳа IFAD ва Ўзбекистон ҳукуматининг ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлаш борасида янги ва кенг-роқ ҳамкорлик ашикларини очади.

Интервью

СУВ ХЎЖАЛИГИДА
ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ —
БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 16 сентябрь кунини сув хўжалигида тежамкор технологияларни жорий этиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Сайёраимизда ҳаёт давомийлигини таъминлаш ва барқарор ривожланишга эришишда сув ресурсларининг ўрни беқиёс. Бироқ, кейинги йилларда глобал экологик ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар туфайли обихаёт зарураларининг камайиб бораётгани жиддий ташвишланарли ҳолатдир. Жумладан, минтақамизда ҳам сув танқислиги билан боғлиқ вазият йилдан-йилга мурракбашмоқда. Мисол учун, охириги 10 йилда Ўзбекистонда

сув ҳажми 12 фоизга, ўтган йилга нисбатан эса бу йил 15 фоизга камайган.

Бундай шароитда сувни тежаш ва ҳисобини юритиш ҳар доимидан ҳам долзарб масалага айланади. Ўтган икки йилда Президент ва ҳукуматнинг шу соҳага доир 11 та қарори қабул қилиниб, бу йўналишда муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бироқ, йиғилишда таъкидланганидек, бажарилган

ишлар имконият даражасида эмас. Шу боис, видеоселекторда сув хўжалигидаги ишлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва туманлар кесимида танқидий таҳлил қилиниб, галдаги муҳим вазифалар муҳокама этилди.

Тегишли вазирлик ва маҳаллий ҳокимликлар мутасаддилари бу йўналишда жойларда амалга ошириладиган ишлар ва эришилаётган натижалар хусусида сўз юритди.

— Ўтган йиллар мобайнида 285 минг гектар, яъни бор-йўғи 7 фоиз ерда сув тежовчи технологиялар жорий этилди. Жорий йил бу кўрсаткич 15 фоизга етди.

Видеоселектор йиғилишда бу кўрсаткични келгуси йилда беш карра кўпайтириш вазифаси қўйилди. Бу вазифани бажариш учун барча шароитлар яратилган, замонавий технологиялар мавжуд, ишлаб чиқарувчилар учун керакли имтиёзлар берилмоқда. Жумладан, сувни тежайдиغان технологияларни қўллаш учун субсидиялар ажратилапти. Бу имкониятлардан самарали фойдаланасак, албатта, белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажаришга эришамиз.

Яна бир муаммо — сув хўжалигида электр энергияни тежаш масаласидир. Кейинги

йилларда бу борада сезиларли ишлар бажарилди, бироқ бу билан чекланиб бўлмади. Бу йўналишдаги ишлар ҳам муттасил ривожлантириб борилади.

Яна бир муҳим масала — бу давлат-хусусий шериклиги йўналишидаги ишларни ривожлантиришдир. Бу йўналишда агентлик тузилди, давлат-хусусий шериклик бўйича биринчи корхона ташкил этилди, яна бир кластер рўйхатдан ўтиш арафасида. Бу ишларни ҳам тизимли йўлга қўйиб, яқин кунларда 22 та туманда 50 та давлат-хусусий шериклик корхоналари тузилади. Бунинг натижасида бир томондан бюджет маблағлари иқтисод қилинади ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар иши янада ривожланади.

— Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида 2018 йилда туманимизда кластер тизими ташкил этилди. Томчилатиб сугориш ускуналарининг 90 фоизи кластер корхонамиз томонидан ишлаб чиқариляпти. Яъни, маҳаллийлаштириш дастури ҳам амалга ошириляпти. Авваллари бу маҳсулотлар тўлиқ импорт қилинган. Туманимизда икки йил ичида 2400 гектар майдонни томчилатиб сугоришга ўтилди. Бугунги кунда яна уч нафар фермеримиз 152 гектар майдонда томчилатиб сугоришни йўлга қўйди. Туманда жами 2552 гектар майдонда томчилатиб сугориш тизими ташкил этилди.

Бундан ташқари, электр энергияси харажатларини оладиган бўлсак, туманимизда 2019 йилда 67 миллион кВт/соат электр энергияси сарфланган. 2020 йил 1 сентябрь ҳолатига эса 51 миллион кВт/соат электр энергияси сарфланишига эришилди. Натижада 16 миллион кВт/соат электр энергияси, 7 миллиард 300 миллион сўм маблағ иқтисод қилинди.

Туманимизда ўтган йилги гектаридан 29,7 центнер ҳосил олинган бўлса, томчилатиб сугориш жорий этилиши натижасида бу йил ҳосилдорлик 40-50 центнергача ошди.

— Президентимиз бугун олдимизга жуда катта вазифалар қўйди. Боиси, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликнинг ошиши, юқори сифатли ҳосил олишнинг асосий омили — бу сув билан боғлиқ. Агар 100 гектар пахта майдонини текисламай сугорадиган бўлсак, шўр ювиш ҳамда вегетация шароитини ҳисобга олганда, Хоразм шароитида 960 минг метр куб сув сарфланади. Бордию, шу ер лазер текислагич ёрдамда текисланса, 200 минг метр куб сув тежаб қолинади. Бу 100 гектар ерда 26 гектарга етадиган сувнинг тежалишига олиб келади.

Ўқи Хоразм вилоятида 82 минг гектар ерга пахта экилганини ҳисобга оладиган бўлсак, 787 миллион метр куб ўрни-ошиши, юқори сифатли ҳосил олишнинг асосий омили — бу сув билан боғлиқ. Агар 100 гектар пахта майдонини текисламай сугорадиган бўлсак, шўр ювиш ҳамда вегетация шароитини ҳисобга олганда, Хоразм шароитида 960 минг метр куб сув сарфланади. Бордию, шу ер лазер текислагич ёрдамда текисланса, 200 минг метр куб сув тежаб қолинади. Бу 100 гектар ерда 26 гектарга етадиган сувнинг тежалишига олиб келади.

Бундан ташқари, авваллари 10 гектар ер 2-3 суткада сугорилган бўлса, эндиликда, бунинг учун 1 сутка етарли бўлади. Самарали усул орқали 14 минг киловатт электр энергияни тежаб қолишга ҳам эришамиз. Бундан шунингдек, ҳосилдорлик пахтада 10 центнер, шоли ва галлада 20 центнергача ошишига эришилади.

— Президентимиз йиғилишда қишлоқ хўжалигига янги технологиялар, илм-фанни кенг жорий этиш бўйича муҳим топшириқлар берди. Шунингдек, сув хўжалигида тежамкор технологияларни босқичма-босқич жорий этиш ҳамда сув хўжалиги объектларини хусусий шериклик асосида кластерларга, фермерларга ўтказиш масаласи қўйилди.

Туманимиздаги кластерлар, фермерларимиз насос станциялари, каналлар харажатларини босқичма-босқич ўзлари амалга оширади. Бу йил туманимизда 9300 гектар майдонда гўза экилган бўлса, шундан 4 минг гектарда томчилаб сугориш технологияси асосида ишлар ташкил қилинди. Томчилатиб сугориш энг замонавий технология бўлиб, шу йилнинг ўзидеяқ ўзининг иқтисодий самарасини кўрсатди. Биргина сув ҳисоб-китобини оладиган бўлсак, мана шу 4 минг гектарга ўрнатилган технология ҳисобидан 20 миллион куб метр сув тежаб қолинди.

Шу пайтгача энг катта муаммоларимиздан бири — мелiorация эди. Бу ортиқча энг катта муаммоларимиздан бири — мелiorация эди. Бу ортиқча энг катта муаммоларимиздан бири — мелiorация эди. Бу ортиқча энг катта муаммоларимиздан бири — мелiorация эди.



Шавкат ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири:



Ботир ЖАББОРОВ,
Нарпай тумани ҳокими:



Ўқтам МАШАРИПОВ,
Ҳазорасп тумани ҳокими:



Маҳмуд ХОЛБЎТАЕВ,
Шароф Рашидов тумани ҳокими:



Ватанни Чўлпон кўзи билан кўриб, Чўлпон юраги билан севиш керак



Баҳодир МАТЛЮБОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси бошлиғи, генерал-лейтенант

Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси жамоаси Чўлпон меросини янги тафаккур асосида тадқиқ этиш ва ўрганишга киришди. Бу борада белгиланган "йўл харитаси"га мувофиқ, дастлаб Чўлпон ҳаёти ва ижодини ўрганиш учун Андижон ва Наманган вилоятларига академия олимларидан иборат илмий экспедиция

уштирилди. Унинг фаолиятига бағишланган музей ташкил этилди. Музей муассасамиз профессор-ўқитувчилари ва курсант-ингловчилари учун тадқиқот ва изланишлар масканига айланди. Иқтидорли курсантларимиз томонидан шоир Усмон Азимнинг Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишланган уч манзарали "Кундузсиз кечалар" асари саҳналаштирилди. Саҳна кўринишлари асосида видеофильм ҳам яратилмоқда. Видеофильм Ички ишлар вазирлигига қарашли академик лицейларда ҳам намойиш қилинади. Онлайн тақдирот ўтказилган, видеофильм ижтимоий тармоқлар орқали жамоатчиликка тақдим этилади. Шунингдек, газета ва журналларда улуғ адиб ва унинг асарларини тарғиб қилувчи мақолалар мунтазам равишда чоп этилмоқда. Чўлпоннинг ибратли ҳаёт йўллари ҳақида китоб нашрга тайёрланмоқда. Кайд этиш лозимки, академиямиз илмий кенгашида курсантларда Чўлпон ҳаёти ва ижодини ўрганишга бўлган интилишларни рағбатлантириш ҳамда уларни ватанпарварлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида ИИВ академиясининг Чўлпон номидаги стипендиясини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бунинг

учун кундузги таълим ўқув курслари курсантлари ўртасида танлов ўтказилди. Танлов натижасига кўра, 2 ва 3-ўқув курсларидан бир нафардан номзод ғолиб деб топилди ҳамда Чўлпон стипендияси гувоҳномаси академиянинг саф майдонида танлов ғолибларига тантанали равишда топширилди. Ушбу хайрли қадам курсантларимизнинг Чўлпон каби мард, жасур, довурак, билимли ва ватанпарвар шахс бўлиб камол топиши ҳамда Ватанни Чўлпон кўзи билан кўриб, Чўлпон юраги билан севишига хизмат қилиши шубҳасиз. Давлатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида академиянинг саф майдонида улуғ аждодларимизга бағишлаб ташкил этилган хиббондаги буюк шахслар бюстлари қаторига улуғ адибимиз Чўлпоннинг ҳам кўркям бюстини тантанали равишда ўрнатдик. Зеро, саф майдонига кириб келган ҳар бир тингловчи-курсант ва офицер бу буюк алломаларнинг нафаси ва руҳини ҳис этади. Она юртимизда тугилиб камолга етган буюк зотлар, олим уламолар, сийсатчи ва саркардалар ўзларининг илмий ва маънавий мероси билан ҳозирги кунда ҳам башариётга хизмат қилиб келаётганлиги уларга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди.

Мақсадимиз — адиб орзулаган юксак маънавият ва маърифатли авлодни тарбиялаш



Садрриддин ТУРАБЖОНОВ, Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори

Маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган атоқли ёзувчи ва шоирларнинг тарихий хотирасини абадийлаштириш, ёш авлоднинг маданий-маърифий савиясини юксалтириш мақсадида Адиблар хиббонда ташкил этилаётган очик дарслар ёшлар руҳиятида жасорат, мардлик, улуғ идеалларга содиқлик каби ғояларнинг

теран идрок этилишининг энг замонавий ҳамда самарали усул экани талабаларимизнинг мамнуниятидан ҳам билиниб турибди. Тошкент давлат техника университетиде атоқли адиб Абдулла Қодирийнинг адиб меросини тарғиб қилиш мақсадида кенг куламли чора-тадбир режаси ҳамда "йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Режага мувофиқ, жорий йилнинг май ойида олий таълим муассасамиз билан Абдулла Қодирий ижод мактаби ўртасида меморандум имзоланди ҳамда ишчи гуруҳ тузилиб, унинг амалий вазифалари белгилаб олинди. Унда ўзбек халқининг миллатпарвар фидойи ижодкори, миллий адабиётимизда роман жанрининг асосчиси Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини илмий асосда чуқур ўрганиш, аҳоли, айниқса, талаба ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш борасида тизимли ишларни ташкил этиш кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Турон" ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорлик шартномалари асосида янги 2020-2021 ўқув йилидан Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўқувчилари учун "Qodiriy izdoshlari" стипендияси таъсис этилди. Мазкур мактаб педагогик кенгаши тавсияси ва университет кенгаши қарори асосида 4 нафар иқтидорли ўқувчи янги стипендия соҳибига айланди. Университетнинг таълим йўналишлари учун "Ўзбек тили" фани дастурига "Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди",

"Абдулла Қодирий — ўзбек романчилигининг асосчиси", "Абдулла Қодирий — ўтмиш, бугун ва келajak" мавзулари киритилди. Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан ёзувчининг фаолияти ва ижоди борасида илмий мақола ва тезислар тайёрланмоқда. Ўзувчи ижоди бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертациялари устида илмий изланишлар олиб борилиб, диссертация химояларини ташкил этиш режалаштирилган. Жорий йилнинг 27 октябрь санасида "Абдулла Қодирий ижодида давр ва миллат талқини" мавзусида онлайн республика илмий-амалий конференцияси ўтказилиши режалаштирилган. Шу йилнинг июнь-июль ойларида 5 муҳим ташаббус доирасида танловлар ўтказилди. Танловлар "Китобонлик", "Иншолар", "Онлайн 5 ташаббус", "Техника қизлари", "Абдулла Қодирий асарлари билимдони", "Университетимизда истеъдодлари" рунклари остида ташкил этилди. Адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган музей, адибнинг ижоди ва ҳаёт йўлига бағишланган онлайн вебинарлар ташкил этиш ёшлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Атоқли ёзувчи тўғрисида ҳужжатли фильм яратиш, "Абдулла Қодирий издошлари" тўғрисида ташкил этиш назарда тутилган. Яқин кунларда университетнинг иқтидорли ёшлари учун Абдулла Қодирий кўкрак нишонини ҳамда стипендиясини таъсис этиш арафасида.

"Озод домла" сабоқлари ёхуд миллат шамчироғига интилган ёш қалблар



Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори

Жасур ва матонатли қалам соҳиби бўлган Озод Шарафиддинов адабиёт-шунослик майдонида ёрқин фикр ва ғоялар билан ўз ўрнига эга эди. Бу ҳақда унинг замондошлари, ҳамкасблари, шоғирдлари кўп ва хўп ёзди. Бу масалада улардан орттириб бир нарса дейиш душвор. Аммо унинг ибрат бўладиган инсоний фазилатлари ҳақида бугунги авлодга қанчалик кўп гапирсак, ҳар қанча арзийди. Шу ўринда олимнинг камтарлик фазилати ҳусусида ибрат бўлган бир воқеага тўхталмоқчиман. Утган асрнинг 90-йиллари бразилиялик ёзувчи Пауло Коэльонинг "Ал Кимёгар" асари машҳур бўлган эди. Мен ҳам ушбу асарни зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Айниқса, унинг ғояси ёшларга қучли мотивация беради. Шунинг учун ҳам "Ал Кимёгар"ни ўзбек ёшлари мутлоа қилишларини жуда истайман. Суриштирсам, аллақачон

асарнинг таржимаси "Жаҳон адабиёти"да чоп этилаётган экан. Таҳририятга кўнгирак қилдим. Гушақни Озод ақининг ўзлари кўтардилар. Мақсадимни айтганимдан сўнг асар таржимаси (Озод ақининг ўзи таржимон эканидан кейин хабар топдим) қилиниб, журналда чоп этилаётганини ва янги сони чиқиши биланқо юборишини айтди. Уша пайтдаёқ овоздаги майинликка йўғрилган салобатлилик, қатъиятлик, олимона камтарлилик меннинг хотирамда бир умрга муҳрланиб қолди. Озод Шарафиддиновнинг серқирра ижодий фаолиятини ёшларга намуна қилиб кўрсатиш мақсадида университетимизда Озод Шарафиддинов номидаги стипендияни таъсис этдик. Олим ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳужжатли видео ва интервьюлар тайёрлаш, "Публицистика" ва "Таҳрир фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш" каби фанларни ўқишда домланинг

ижодини асос қилиб олдик. Спорт журналистикаси талабалари ўртасида "Озод Шарафиддинов — уста шахматчи" мусобақасини, университетда Озод Шарафиддинов музейини ташкил қилиш, устознинг серқирра ижодий фаолияти бўйича илмий лойиҳалар ва танловлар ўтказиш асосий режаларимиздан биридир. Озод Шарафиддинов ажойиб ва ҳозиржавоб мунаққид, мохир таржимон, фидойи муҳаррир, ташкилотчи бўлишдан ташқари ғўзал нотик ва эссеист-публицист ижодкор эди. Менимча, ўзбек адабий танқидчилиги тарихида Озод Шарафиддиновдек ҳам илми теран, ҳам ҳозиржавоб нотик олимни топиш қийин. Ўзбек ва дунё олимлари орасида Озод Шарафиддинов тезкор ва ҳозиржавоб мунаққидлиги ҳамда таржимонлик фаолияти тўғрисида "фантастик тарзда яшаб ижод қилган катта ШАХС" сифатида тан олинган.

"Келдим бош ила олғали таълим санга"



Гулчхра РИСХИЕВА, Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори

Адабиётга ошнолик, китобхонлик кўникмасини ёшлар қалбига жойлаш бугунги Ўзбекистоннинг янги маърифий йўли сифатида буй кўрсатмоқда. Тошкент давлат шарқшунослик университети жамоаси мумтоз адабиётимизнинг серқирра ижодкори, шоир, тарихчи, таржимон, давлат арбоби, араб, форс, туркий тиллар билимдонига Огаҳий ҳазратларининг ҳаёт ва ижод йўллари ўрганиш, у зотнинг қўлёзма асарларини тадқиқ этиш ҳамда ўлмас ғоялари тарғиботи борасида дастуриллама ишларни амалга оширмоқда. Утган 4 ойга яқин вақт орасида университетимиз жамоаси ва толиби илмлари томонидан бу борада бир қатор арзрили ишлар амалга оширилди. Таълим муассасамиздаги мумтоз адабиёт билимдонлари ва мутахассислар билан биргаликда Огаҳийнинг ҳаёт йўли, ёзма меросини илмий тадқиқ этиш, унинг ижоди ва асарларини ўқув жараёнига татбиқ қилиш, адиб маърифати ва маънавияти ҳамда ОАВ, ТВ, электрон платформаларда Огаҳий эзгу ғоялари тарғиботини амалга ошириш сингари тўрт асосий йўналишни ўзда қамраб олган "йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Университет ҳузуринда Халқаро огаҳийшунослар кенгаши тузилди ва низоми ишлаб чиқилди. Халқаро огаҳийшунослар кенгаши олдига шоир ижоди бўйича яратилган илмий

тадқиқот ишлари ҳамда нашр этилган асарларининг электрон базасини шакллантириш, келгусида "Огаҳий қомуси"ни яратиш, туғилган кун мубоабати билан ҳар йили 17 декабрда республика илмий-амалий конференциясини ташкил этиш, фаолияти ва меросига бағишланган илмий тўплам чоп этириб бориш ҳамда Огаҳийнинг юртимиз ва чет элларда сақланаётган асарлари қўлёзма-реликвий китобини чоп этиш, ёш ўқитувчи ва илмий тадқиқотчиларнинг огаҳийшунослик йўналишида бажарган тадқиқотларини муҳокама этиб бориш каби ўнлаб вазифалар белгилаб олинди. Огаҳий асарларининг изоҳли лугатини тузиш ва чоп этиш, XIX асарда яратилган тарихий ва адабиётшунослик асарлари асосида адибнинг мукамал илмий биографиясини яратиш, асарларида сингирилган ғоялар ва ҳикматли сўзлари жамланган кўп тилли "Огаҳий ҳикматлари" китобини чоп этиш, ёш ўқитувчи ва илмий тадқиқотчиларнинг огаҳийшунослик йўналишида бажарган тадқиқотларини муҳокама этиб бориш каби ўнлаб вазифалар белгилаб олинди.

Талаба ёшларимиз учун Огаҳий номидаги махсус стипендия жорий қилинди ва унинг мезонлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, Огаҳий кўкрак нишонини ҳам таъсис этилди. Айти кунларда эса Адиблар хиббони жамоамизнинг сеvimли масканига, Огаҳий таъбири билан айтганда, "Келдим бош ила олғали таълим санга", дея тавсифлаган маърифат манзилга айланиб улгурди.

"Фикр агар яхши тарбият топса..."



Алишер УМАРОВ, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори

Бугун Адиблар хиббонига борган ҳар бир киши у ердаги ёзувчи ва шоирларимиз ҳайкаллари тимсолида Ўзбек миллиятининг шонли ўтмиши, залворли тарихини кўз олдидан ўтказмоқда. Ҳозиргидек фаровон турмуш, эркин ва завқли ҳаёт не-не машаққатлар эвазига келганини ҳис қилмоқда. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети жамоасига кўз педагог, шоир, драматург, ношир, публицист, жадид адабиётининг етук намояндаси Абдулла Авлоний ҳаёти, ижодини ўрганиш ва тарғиб қилиш ҳамда унинг ўлмас ғояларини талаба-ёшлар онгига сингдириш, асарларини нашр этириш, бир сўз билан айтганда, адиб сиймосини абадийлаштиришга

самарали ҳисса қўшиш вазифаси белрилган эди. Университет томонидан махсус ишчи гуруҳ таркиби тузилиб, Абдулла Авлоний ижодини чуқур ўрганиш, ибратли умр йўли ҳақида халқимизга, хусусан, ёшларга етказишга қаратилган 2025 йилгача бўлган режа-дастур тузилди. Буюк адиб ижодини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Абдулла Авлоний кўкрак нишонини ва университетнинг иқтидорли талабалари учун стипендия жорий этилди. Университет олимлари ва докторантлари томонидан адиб фаолияти ва унинг педагогик қарашлари бўйича "Абдулла Авлонийнинг тил софлигини сақлашга доир фикрлари", "Абдулла Авлоний — маърифатпарвар сиймо" мавзуларида илмий ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, университетнинг илмий-педагогик жамоаси ва талабалар томонидан адиб сиймоси акс этган ҳайкал олдига мунтазам равишда маънавий-маърифий давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Бугунга қадар бу тадбирларда Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Гаҳвар Зокирова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Н.Аминжонов, педагогика фанлари доктори, профессор Ш.Абдуллаева ва бошқа кўплаб таниқли намояндлар иштирок этди. Абдулла Авлоний бобомиз таъкидлаганидек, "Фикр агар яхши тарбият топса, ханжар, олмосдан ўткир бўлур". Зиёли ва илгор фикрли болболарини таниган, уларнинг пурмаъно асарларини ўқиган авлоднинг гурури баланд, фикрлари учқур бўлиб аждодларига муносиблик ҳисси билан улғаяди.

Ватаннинг бир бўлаги бўлиш саодати



Ботир ДАМИНОВ, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори

Шоир Бердақ ҳаёти ва ижодини ўрганиш институтимиз ёшлари онгига халқпарварлик ва унинг дарди билан яшаш ҳиссини пайванд қилиши шубҳасиз. Шу маънода унинг шахси ва ижодий фаолиятини чуқур тадқиқ этишга киришдик. Бажаирладиган вазифаларимиз аввалига Бердақ ҳаёти ва ижоди ҳақидаги электрон тақдимотларни ҳар бир гуруҳ талабаларига намойиш қилиш, унинг ижоди ва фаолияти акс этган мавзули хона ташкил этиш масаласи қўйилган. Шунингдек, Бердақ ва унинг ижоди, шеърлари билимдонларнинг танловини ўтказиш, "Ўзбек тили ва адабиёти" фани дастурига Бердимурод Қарғабой ўғли ҳаёти ва ижодига бағишланган мавзунини киритиш, Адиблар хиббониде адабиёт дарслари, мушоиралар ўтказиш кўзда тутилган. Адибий йўналишда эса "XIX аср

қорақалпоқ маданияти ва Бердақ ижоди" мавзусида республика илмий-амалий анжуманини ўтказиш, "Бердақ — қорақалпоқ адабиётининг асосчиси" мавзусида мақолалар тўплами ва шоир ижоди бўйича буклетлар чоп этиш, адиб асарларининг каталогларини яратишни режалаштирганмиз. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, шоир тугилиб ўсган юрт — Қорақалпоғистонга бир гуруҳ профессор ўқитувчи ва талабаларимиз таърифи амалга оширилди. Институтда Бердақ музейини ташкил этиб, уни шоирнинг ҳаёти, ижоди билан боғлиқ ноёб маълумотлар билан бойитамиз. Бундан ташқари, маънавий-маърифий тарғибот йўналишида ҳам қатор ишларни кўзда тутишимиз. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Адиблар хиббониде учрашувлар, институт, мактаб ва лицейларда тарғибот тадбирларини ташкил этиш, Бердақ асарлари бўйича эсселар, иншолар ёзиш, театр-студиями аъзолари томонидан "Ойдуз бобо" дostonи асосида саҳна кўриниши тайёрлаш кабилар шулар жумласидандир. Шоир таваллудининг 193 йиллиги мубоабати билан эса институт ҳудудида барельеф ҳам ўрнатилди. Айти пайтда ОАВ ва электрон платформа бўйича институт сайтида саҳифа очиб, унда Бердақ ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни жойлаштириб бораёмиз. Шоир асарлари асосида виртуал китобларни яратиш, smart уй-музейини ташкил қилиш каби кўпгина ишларимизни амалга ошира бошладик. "Ватанпарварнинг қалбиде ватан харитаси илган бўлади", дейишди донолар. Ватанини севиш учун унинг бир бўлаги бўлиш керак. Унинг қорига ярай билшинг, оғриқларидан дилинг оғриши, қувончидан минг қарра шодланинг зарур. Худди Бердақ бободек. Зеро, унинг ҳаёти ва ижод йўли ёш авлодга ватанпарварликдан сабоқ бериши билан қимматлидир.

Янгича ёндашувлар

ИЛМИЙ ИШЛАНМАЛАР КЎРГАЗМАСИ

юртимизда илк бор ташкил этилган тадбирда юқори баҳоланган истиқболли лойиҳалар инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан молиялаштирилади

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Хар қандай илмий ғоя, фанга асосланган технологиялар ишлаб чиқариш ва ҳаётга татбиқ этиш орқалигина инсонларга наф келтира олади. Шунчаки, қоғозда қолган лойиҳалар самараси эса, афсуски, нолга тенг.

16-18 сентябрь кунлари Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган қишлоқ хўжалиги соҳасида тижоратлаштиришга тайёр илмий ишланмалар кўргазмаси тармоқ ривожига хизмат қиладиган истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг таркибий қисми сифатида ташкил этилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги биносидан бўлиб ўтаётган кўргазмани илк кунда 200 га яқин илмий ишланма тақдимот қилинди.

— Бугунги тақдимотдан қўзланган асосий мақсад илм-фанни ишлаб чиқариш билан интеграциялаш, инновацион ривожланиш вазирлигининг янги биносидан мулоқотлар майдонини ташкил этиб, ишлаб чиқариш ва илм-фан ўртасидаги кўприкни мустаҳкамлашдан, янгиликларни қўришдан иборат, — дейди вазирлик бошқарма бошлиғи Жамолдин Бобохонов. — Бу майдон олимлар томонидан яратилган янги ишланмаларни тақдим этиш билан бирга, улардаги камчиликларни бартавраф этиш учун ҳам имкониятдир. Амалга оширишга тайёр лойиҳаларни амалиётда хусусий тадбиркорлар, кластерлар раҳбарлари, фермер ва олимлар ўртасида мулоқотнинг камлиги боис, қишлоқ хўжалигида қатор муаммолар ечимли турганига кўп ғувоҳ бўлялмиз. Бугунги кўргазма орқали "олим — тармоқ", "олим — ишлаб чиқарувчи" тизимида мулоқот ўрнатиб, мавжуд муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш кўзда тутилган. Албатта, вазирлик томонидан истиқболли лойиҳаларга маблағ ажратиш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш, илмий ишланмани бозор талабларига жавоб берадиган прототипни яратиш, тармоққа тайёр маҳсулотни етказиб бериш чораларини қўришга кўмак бериш ҳам фаол амалга оширилмоқда.

Кўргазма давомида лойиҳаларни тақдимлаштириш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар, бизнес режа тузишда кўмак берадиган мутахассислар тақлиф этилиб, ўзаро меморандум имзолашга шароитлар яратилди. Президентимизнинг Инновацион ривожланиш вазирлигининг янги биноси очилиши маросимида илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш бўйича берган топшириқ асосида ташкил этилган мазкур кўргазма бу борадаги ишларни янада фаоллаштиришга ҳисса қўшади.

Ҳақиқатан, бугун мамлакатимизда илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Турли ташкилотлар кўмагида истиқболли ғояларни амалга оширишни молиялаштириш, олимлар ва ишлаб чиқарувчиларни ўзаро боғлаш орқали узоқ йиллар давомида қўлғам ҳолида сақланаётган, молиявий муаммолар туфайли амалиётга киритилган қўллаб-қўллаш лойиҳаларни реал технологияларга айлантириш жаддалашди. Кўргазмада 32 дан ортиқ илмий ташкилот ўзларининг қишлоқ хўжалигида фойдали



бўлган, синов ишлари якунланиб, ишлаб чиқаришга тайёр лойиҳаларни билан қатнашди.

Замонавий ва бир неча баробар тежамкор

Тошкент давлат аграр университети томонидан тажрибаси ўтказилаётган трихограммани тарқатишнинг замонавий технологиясини жорий қилиш ишланмаси ана шундай истиқболли лойиҳалардан бири. Мазкур инновацион ишланмада фойдали ҳашаротларни in vitro усулида кўпайтириш ҳамда далада дрон ёрдамида тарқатиш кўзда тутилган. Илк тақдимоти ўтган йили Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган технология амалиётда синовдан муваффақиятли ўтди. Ҳозирча кичик майдонларда қўлланилаётган янги технология

келгусида янада такомиллаштирилиб, тижоратлаштириш асосида барча ҳудудлардаги катта ер майдонларида фойдаланиш режалаштирилган.

Университетнинг магистратура босқичи талабаси Шоҳруҳ Ражабовнинг айтишича, паразит энтомофагаларни in vitro усулида кўпайтириш амалдаги усулга қараганда вақт ва ортиқча харажати 3-4 баробар тежайди.

Кўргазма залидан жой олган Тошкент давлат техника университети ўқитувчиси Фарҳод Шакарров ҳам нафақат Ўзбекистон, балки жаҳонда ўрнатилган инновацион технология яратилишига муваффақ бўлди. Қор ва ёмғир сувларидан фойдаланиб боғларни сўғориш ва минерал озиклантиришга мўлжалланган техника ҳозир кенг қўлланилаётган томчилатиб сўғориш технологиясидан бир қатор афзалликлари билан фарқ қилади. Бунда сув ер остидан полиэтилен қувурлар орқали жўнатилади. Унда филтёрлаш технологиясининг йўқлиги



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

боис, парланиш ва сувнинг исроф бўлиш даражаси нолга тенг. Қурилмани бошқаришда замонавий автоматлаштириш усулидан фойдаланилади. Технология учун қўлланиладиган полиэтилен қувурлар ниҳоятда чидамли бўлиб, 30-100 йилгача чиримайди. Хомашёнинг 95 фоизи маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиниши ҳисобига таннархи томчилатиб сўғориш технологияларига нисбатан 2 баробар арзон бўлиши кутилмоқда.

— Узим Навоий вилояти Хатирчи туманида туғилиб ўсганим, у ерларда сув танқис бўлгани боис, ушбу лойиҳани амалга оширишга қарор қилдим, — дейди Фарҳод Шакарров. — Жараёнда 30-40 мартаб тажриба ўтказиб, ниҳоят 6 йил деганда қўлтирган технологияни яратишга муваффақ бўлдим. Лойиҳага Навоий вилояти ҳокими катта қизиқиш билдириб, тажриба-синов учун ер майдони ажратилди. 2 йил давомида тажрибадан ўтказилиб, бугунги кунда Инновацион ривожланиш вазирлигининг кўмагида ишлаб чиқариш босқичида турибди. Ушбу технология ёрдамида ҳатто чўл ҳудудларда ҳам қисқа вақтда катта боғлар барпо этиш мумкин.

Хорижлик тадбиркор эътирофи

Юртимизда илк бор ташкил этилаётган мазкур кўргазмада хорижлик мутахассис ва тадбиркорлар ҳам иштирок этиб, ғоя муаллифлари билан ўзларини қизиқтирган лойиҳалар бўйича шартномалар тузиш ҳақида келишиб оляпти.

— Бизнинг корхонамиз, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда экспортга йўналтириш билан шуғулланади, — дейди Туркиянинг "Ender agro" фирмаси бош директори Зекерия Жўк. — Шу жihatдан, бугунги тадбирда намойиш этилаётган лойиҳалар, замонавий технологияларни қўриб, инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан амалга оширилаётган янгиликлар билан танишиб, жуда хурсанд бўлдик. Айниқса, бу ерда ишлаб чиқариш жараёнларини олимлар билан биргаликда амалга оширишнинг режалаштирилгани бизда катта таассурот қолдирди. Чунки жаҳонда кенг йўлга қўйилган бу тизим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини яхшилаши билан бирга, маҳаллийлаштиришни ривожлантириб, экспорт ҳажминини оширишга хизмат қилади. Бугунги тақдимотда, айниқса, дуккакли ўсимликлар эътиборини тортди. Келгусида бу борада ўзбек мутахассислари ҳамда тадбиркорлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, истиқболли лойиҳаларни амалга оширишимиз, деган умиддаман.

Кўпчилики қизиқтираётган ва иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўладиган ана шундай илмий ишланмалар, замонавий лойиҳаларнинг аксарияти Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан молиялаштирилиши кўзда тутилган.

Кўргазма 18 сентябрга қадар давом этади.

Туркия Президентининг Бош маслаҳатчиси: "ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР МАМЛАКАТ, МИНТАҚА ВА ДУНЁ УЧУН ФОЙДАЛИ"

Бошланғичи 1-бетда

Эътиборли жиҳати, Ўзбекистонда амалга оширилаётган чукўр ўзгариш ва ислохотлар, шу жумладан, диний бағрикенглик соҳасида ташланган қадамлар Америка Қўшма Штатларининг халқаро диний эркинлик тўғрисидаги ҳисоботида ҳам ўз аксини топди, эътироф этилди.

Ўзбекистондаги ўзгаришлар Марказий Осиёда ва халқаро майдонда хавфсизлик, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Қайд этиш жоиз, минтақада барқарорлиқни сақлаш ва қўшнилар билан яхши муносабатлар ўрнатишда Ўзбекистон интилишлари муҳимдир.

Президент Шавкат Мирзиёев Марказий Осиёда тинчлик-тотувликни таъминлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар юксак минбаридан туриб, бир неча бор таъкидлади. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувини ташкил этиш ҳақидаги Ўзбекистон ташаббуси ҳам бу масалага Президент Шавкат Мирзиёев нақадар катта аҳамият қаратишини кўрсатиб турибди.

2019 йилда Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг саммити ҳамда қатор икки ва кўп томонлама тадбирларда Ўзбекистон ҳамкорлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, тинчлик ва барқарорлиқни биргаликда таъминлаш, транспорт, туризм каби соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган амалий тақлифларни илгари сурмоқда. Шу орқали минтақа ва дунёда тинчлик-ҳамкорлик омиллига айлиниб бормоқда.

Минтақа ва кенг миқёсда, жумладан, туркий дунёда барқарорлиқни сақлаш ва қўшнилар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда Ўзбекистон иштироки муҳимдир. Мамлакатимизнинг Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзоси бўлиши барчамиз учун фойдали, маданий, қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашда янгича ҳуқуқий асос яратди. Бу барқарорликка ижобий таъсир кўрсатишига барчамиз ғувоҳ бўлялмиз.

Марказий Осиё минтақаси марказида жойлашган Ўзбекистон 34 миллион аҳолига эга ва уларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Шунинг учун янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, шу жумладан, Ёшларга оид давлат сиёсати нафақат мамлакат ва минтақа, балки дунё учун ҳам фойдали. Ўзбекистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатнинг ишлаб чиқиши бунга аққол мисол бўла олади.

Ёшларга кенг эркинликлар ва таълим олишда янги имкониятларни тақдим этган Ўзбекистон раҳбарияти бу борадаги ислохотларни тизимли тарзда амалга оширмоқда. 2020 йилнинг "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилиниши бунга аниқ далилдир. Ушбу дастур мамлакат олдига қўйилган мақсадга тезроқ ва ишончли равишда эришиш учун зарур. Фан-таълим ва рақамли

иқтисодиётни ривожлантириш глобал миқёсда ҳам долзарб йўналишдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти ташаббусларини амалга оширишда Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд конференциясининг ташкил этилиши катта амалий аҳамият касб этади. Мазкур халқаро анжуман натижасида ишлаб чиқилган яқуний ҳужжат қайсида маънода Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция учун ўзига хос модель бўла олади.

Орол денгизидagi фалокат бу — XX асрнинг даҳшатли халокатларидан бири. Ўзбекистон Президенти мазкур масалага ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. БМТ ва бошқа ташкилотлар доирасида ушбу масала жаҳон ҳамжамияти диққат марказида бўлиб турибди.

Дарҳақиқат, Қорақалпоғистон ҳудуди аҳолиси минтақадаги унумдор ерларда чўлланиш хавфига дуч келмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев эса Орол қуришининг салбий оқибатларидан қарши қатъият билан курашмоқда. Бунда Туркия ҳам маълум маънода ҳамкорлик қилаётганидан мамнунмиз.

Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистон барқарорлиги билан боғлиқ муҳим масалага ҳам жиддий ташаббусларни илгари сурмоқда. Ўзбекистон жафокаш афғон халқи муаммоларини сиёсий ечим ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли билан ҳал қилиш зарурлиги бўйича тутумида қатъий.

Расмий Тошкент Афғонистон масаласига алоҳида эътибор қаратиб муҳим ташаббус ва амалий тадбирларни муваффақият билан бажармоқда. Президент Марказий Осиё кенг минтақа эканини ҳамда Афғонистонни минтақага интеграциялашувини таъминлаш орқали қатор муаммоларни ҳал этиш мумкинлигини исботлади. Шунинг ўзи ҳам Ўзбекистон раҳбарининг нафақат ўз минтақаси, балки дунёга тинчлик, фаровонлик ва хавфсизлик олиб келувчи ташаббусларга қодир эканини кўрсатди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТдаги нутқида бу масалага алоҳида ўрин берилган.

Давлат раҳбари БМТдаги чиқишида Имом Бухорийни ҳам алоҳида урғур берди. Муҳим манба Саҳиҳ ҳадислар тўплами тилга олинди! Бунинг учун Президент Шавкат Мирзиёевга алоҳида миннатдорлик билдираемиз. Ишонч-эътиқодимизнинг асосчиларидан бири, инсоний марҳамат тамаддуни жарчиларидан бўлган бу зот исмлари БМТ юксак минбардан туриб, Ўзбекистон раҳбари томонидан ўқиб эшиттирилди.

Сўзимни ўзбек қардошларимизга тинчлик ва барқарорлик тиланган ҳолда Ўзбекистон мадҳиясининг қуйидаги мисралари билан якунлашга ижозат бергайсиз!
*Бағри кенг Ўзбекининг
ўчмас илмони,
Эркин, ёш авлодлар
сенае зур қанот!
Истиқлол машъали
тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

"Дунё" АА,
Анқара

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди

Қарорга мувофиқ, хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими жорий этилади.



2021 йил 1 январга қадар қуйидагилар ташкил этилади:

✓ Хорижда ишлашга кетишдан олдин Ўзбекистон фуқароларини касб-хунар ва хорижий тилларга ўқитиш амалиётини самарали йўлга қўйиш, уларга касбий малакани тасдиқловчи халқаро тан олинган сертификатларни бериш тизимини жорий қилиш мазкур тизимнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

✓ Қарорга кўра:

✓ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳудудий филиалларига умумий раҳбарлик қилади;

✓ Ҳудудий филиал раҳбарлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ёрдамчиси ҳисобланади;

✓ Ҳудудий филиаллар хорижий иш берувчилар билан келишувлар тузади ҳамда хорижга фуқароларни ишга юборади.

✓ Тошкент шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказида "Япон тили ва касбий малака" тест маркази;



✓ Гулистон шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказида ишчилар тайёрлаш ўқув маркази;

✓ Фарғона шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказида пайвандчилар мактаби;



✓ Наманган вилоятидаги профессионал таълим муассасаларида давлат хусусий шериклик асосида "IT School" ўқув марказлари, чет тилларга ўқитиш ва хизмат соҳаси бўйича касбларга тайёрлаш ўқув марказлари.



Шунингдек, 2021 йил 1 январдан:

✓ "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ахборот тизими"га киритилган кам таъминланган оила аъзоси ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан вақтинчалик ишлаш учун хорижга чиқаётганда уларга микроқарзлар бериш тартиби жорий қилинади;



✓ микроқарзлар хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 10 млн. сўмгача миқдорда 1 йил муддатга берилади;

✓ микроқарз фойз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин асосий ставканинг 1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисми компенсация қилинади.



Янгича ёндашувлар

"SKILLS PASSPORT" —

замонавий касбий малака ҳужжати



Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Бугун одамларни иш билан таъминлаш, бирор фаолият турига жалб этишнинг энг самарали йўли уларни касб-хунарга ўқитиш экани мамлакатимиз таърихида яққол намоён бўлмоқда. Ўтган қисқа вақт ичида ёшлар, айниқса, ишсиз аҳоли қатлами бу тизимга жалб қилиш, келгусида олий таълимни давом эттиришдан қатъий назар, уларга ҳаётида асқатадиган бирор хунарни ўргатиш, эгаллаган касби бўйича бўш иш ўринлари яратиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган.

2020 йилнинг 17 январида мамлакатимиз дунё бўйича касб-хунар таълими мақоми ва стандартларини ошириш, халқаро танловлар орқали замонавий касбларни оммалаштиришни мақсад қилган "WorldSkills International" халқаро ҳаракатига 83-аъзо сифатида қабул қилинди. Эндилдиқда юртимизда мазкур халқаро нотижорат бирлашмасида белгиланган стандартлар асосида касб-хунар марказларини тамомлаганларга "Skills passport" бериш йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2020 йил 11 августдаги "Камбағал ва ишсиз фуқароларни тadbиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитиш қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, бундай касбий малака паспорти 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб "Ишга марҳамат" мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказларида синов имтихонлари асосида топширилади.

Янги паспорт кимларга берилди?

Ёшлар орасида катта қизиқиш ва муҳокамаларга сабаб бўлаётган касбий малака паспорти дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатда тан олинди. Ушбу паспорт меҳнат вазифалари ва асосий кўникмаларнинг батафсил тақсимлашини таъминлаб, ҳар бир кишининг муайян йўналишдаги қобилиятни қанчалик эгаллаганини алоҳида қайд этади. Жараёнда касб-хунарга ўқитиш марказлари битирувчиларининг касбий малакаси "WorldSkills International" халқаро стандартлари орқали баҳоланади ва техник кўникмалар, алоқа ҳамда ташкилотчилик қобилияти сингари бир қатор мезонлар

асосида ВС стандартлари шакллантирилади. Бу стандартлар узгарувчан бўлиб, доимий тарзда такомиллаштириб борилади. — Айтиш пайтда кўлаб давлатларда кенг қўлланилаётган мазкур касбий малака паспорти ўрта махсус касб-хунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилади ва эгаллаган билимларни меҳнат фаолиятида қўллаш ҳуқуқини беради, — дейди "Ишга марҳамат" мономаркази директор ўринбосари Надима Тошметова. — Бундай паспортни мамлакатимизда халқаро стандартлар бўйича ўтказиладиган имтихонларни муваффақиятли топширган исталган киши ёки

касб-хунарга ўқитиш марказлари битирувчилари олиши мумкин. Ҳақиқатда таълимни тамомлаган, ўз билим ва кўникмасига ишонган 16 ёшга тўлган ҳар қандай фуқаро "Ишга марҳамат" мономаркази ёки ҳудудлардаги касб-хунар таълими марказларида рўйхатдан ўтиб, белгиланган вақтда имтихон топшириши мумкин. Имтихон "WorldSkills International" халқаро бирлашмаси мутахассислари томонидан ўтказилади. Ундан муваффақиятли ўтганларга касбий малака паспорти берилди. Аммо унутмаслик кераки, бу паспорт таълимнинг кейинги турини давом эттиришга асос бўла олмайд.

Хорижда муносиб иш топиш имконияти

Бошқа мамлакатда ишлаш истагидаги инсонларнинг олий маълумот даражаси нострификация жараёнидан ўтказилади. Аммо бу амалиёт ўрта касб-хунар дипломлари учун амал қилмагани боис, кўлаб кишиларнинг қўшимча имкониятларини йўққа чиқаради. Ёки зарур билим ва кўникмаларга эга бўлмаган кишилар иш топишда катта қийинчиликларга дуч келади. Ана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, "Skills passport" ни олий маълумот дипломларини нострификация қилиш жараёнининг муқобилига даянландириш, унинг "WorldSkills International" халқаро ҳаракатига аъзо давлатлар ор-

тасида тан олиншини таъминлаш мақсад қилинган. Бу эса касб-хунар таълими паспортига эга инсонларнинг кўлаб давлатларда ўзига муносиб иш топиш имкониятини оширади. Айтиш пайтда "Skills passport" Россия Федерацияси ҳудудда фаол қўлланилмоқда ва кадрларни танлашда унга ишонди- ган иш берувчилар сони кун сайин ортиб борапти. Касбий малака паспорти иш берувчиларнинг мос ходимларни топиш ва ташкилотга жалб қилишда ҳам бир қатор қўлайликлар яратади. Ҳақиқатда қорхона-ташкilotлар раҳбарлари ходимнинг малака паспорти асосида қайси йўналишда

зарур кўникмага эга эканини билиб олади. Буш иш ўрнига талабдор номзоднинг "Skills passport"га эга экани унинг халқаро стандарт асосида имтихондан ўтганини ҳам тасдиқлайди. Мамлакатимизда касбий малака паспорти олиш тизими жорий этилгач, унга эга бўлган ҳар бир мутахассисни ягона миллий кадрлар базасига кириштириш кўзда тутилган. Бу иш берувчиларга битта платформада тўплаган кўлаб мутахассислар орасида ўзига мосини танлаб, ишга тақлиф этиш имкониятини ошириш билан бирга, паспортга эга кишиларнинг муносиб иш жойида фаолият юритишини таъминлайди.

Таълим

ЯНГИ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ —

шахс, жамият, иқтисодиёт манфаатлари интеграцияси

Рисолат МАДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Сўнгги йилларда иқтисодиётдаги улкан ўзгаришлар, инвестициявий лойиҳалар қўламининг кенгайиши, янги иш ўринларининг яратилиши натижасида малакали кадрларга эҳтиёж касб-хунар таълими тизимини тубдан ислох қилиш заруратини тўғдирди. Қолаверса, бутун дунё кучайтирилган карантин шароитида яшаётган ҳозирги мураккаб даврда энг асосий эътибор аҳолини иш билан таъминлаш орқали уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишига қаратилмоқда.

Президентимиз раислигида ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини ошириш, уларнинг даромад манбаи билан таъминлаш масалалари бўйича ўтказилган видео-селектор йиғилишида ҳам янги профессионал таълим тизимининг стратегияси, асосий устувор вазифалари белгилаб берилди.

Таъкидланганидек, жорий йилда умумтаълим мактабларини 452 минг ўғил-қиз тамомлади. Уларнинг 70 минг нафари олий таълимга, 85 минг нафари профессионал таълимга қамраб олинди. 95 мингдан зиёда ишга жойлашган тақдирда ҳам яна 200 мингга яқин ёшнинг бандлигини таъминлаш зарур.

Тизимнинг янги стратегияси моҳияти шундаки, профессионал таълим муассасаларида тахсил оладиган ҳар бир ёш, ҳар бир шахс ҳаётида ўз ўрнини топиши, аввало, ўзи даромад қилиши, ўз меҳнати билан ҳаёти фаровонлигини таъминлаб, пировард натижада жамият ривожига муносиб ҳисса қўиши лозим. Меҳнат бозорида ўрта бўғин кадрларга реал эҳтиёжни аниқлаш, айнан шу иш ўринлари учун кадрлар тайёрлаш механизмининг яратиш зарурати туғилмоқда.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш учун эса барча мутасадди вазирлик ва идораларнинг ҳамжиҳатлигида иш олиб бориши, фарзандларимизга бутун умр давомида ўқиб-ўрганиш, малакасини ошириш, ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмак бериш талаб этилади. Бу жараёнда Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада дастуриламал бўлиб шакллантиришга чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистонда шаклан ва мазмунан мутлақо янги, узлуқсиз профессионал таълим тизими барпо этилиши, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, 3 тоифадаги таълим муассасалари фаолият кўрсатиши белгиланди.



2020-2021 ўқув йилида профессионал таълим тизимида республика бўйича жами 725 та таълим муассасаси, яъни 339 та касб-хунар мактаби, 201 та коллеж ва 185 та техникум фаолият кўрсатади.

Ушбу профессионал таълим муассасаларида халқаро стандартларга мувофиқлаштирилган таълим дастурлари асосида оилавий бизнес, томорқа бизнеси, қурилиш, хизмат кўрсатиш, чорвачилик, паррандачилик, асарчилик, балиқчилик каби иқтисодиётимизда муҳим ўрин эгаллаган 200 дан ортиқ касб бўйича кадрлар тайёрланади.

— Касб-хунар мактабларида таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичининг 3-даражасига мос келувчи 2 йиллик таълим дастурлари асосида 9-синф битирувчилари бошланғич профессионал таълим олади, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ишлаб чиқариш билан интеграция ва моддий-техник базани ривожлантириш бош бoshқармаси бошлиғи Азиз Мелибоев. — Камбағалликка қарши

2020-2021 ўқув йилида профессионал таълим тизимида республика бўйича жами 725 та таълим муассасаси, яъни 339 та касб-хунар мактаби, 201 та коллеж ва 185 та техникум фаолият кўрсатади.

қураш доирасида, энг аввало, кам таъминланган оилалар фарзандларида тadbиркорликка, бизнесга, пировард натижада даромад олишга йўналтирувчи билим, малака ва кўникмалар шакллантирилади.

Шунингдек, коллежларда таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичининг 4-даражасига мос келувчи, касбларнинг мураккаблик даражасидан келиб чиқиб, 2 йилгача бўлган муддатда ўқитишга мўлжалланган таълим дастурлари асосида аниқ иш ўринларига йўналтирилган ўрта бўғин мутахассислари тайёрланади.

Вазирликлар, идоралар ва ташкilotлар тасарруфидо фаолият кўрсатадиган ва шу соҳадаги инвестиция лойиҳалари ҳисобига ташкил этилаётган аниқ иш ўрни учун мутахассислар тайёрлайдиган ушбу коллежларга мактабларнинг 11-синф битирувчилари қабул қилинади.

Коллежларда Германия таърибасида яхши самара берган дуал таълим принциплари жорий этилади: ўқувчилар ҳафтанинг 3 кунда коллежда назарий билим олади, 3 кун корхонанинг ўзидо бириктирилган уста раҳбарлигида ўзи ишлайдиган иш ўрнида амалиёт ўтади.

Техникумларда эса таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичининг 5-даражасига мос келувчи, бакалаврият таълим йўналишлари билан интеграциялашган, кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида камида 2 йил муддатда мўлжалланган таълим дастурлари асосида 11-синфни тугатган ёшлар ўқитилади.

2 йиллик тахсилдан сўнг битирувчилар олий таълим муассасасида ўқиган касби бўйича суҳбат асосида ўқишга қабул қилиниши мумкин. Бу тизим олий маълумот олиш ниятида бўлган мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва яқин келажакда 50-60 фоизга етказилади.

Профессионал таълимнинг янги, узлуқсиз формати малакали ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш баробарида жамиятимиз учун энг муҳим ҳисобланган инсон ресурсларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу маънода Ўзбекистондаги янги профессионал таълим тизими мамлакат иқтисодиётининг ҳар бир соҳасига, жамиятнинг ҳар бир бўғинига, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро ҳаётига дахлдор йирик ижтимоий ҳодисадир.

Профессионал таълим тизими ўқитиш шакли, принципларига қўра, дунёдаги энг тараққий этган давлатларнинг муваффақият қозонган таълим дастурлари асосида ташкил этилмоқда.

Профессионал таълимда халқаро таъриба асосида таълим сифатини таъминлаш, ёшларда тadbиркорлик кўникмаларини, шахсий компетенцияларни шакллантириш, амалиётга алоҳида уру берилиш, иш билан таъминлашга йўналтириш устувор ўрин тутди.

Бунинг учун янги стандарт, янги ўқитиш методологияси, дарслик ва адабиётлар, замонавий инновацион таълим технологиялари ва баҳолаш тизими жорий этилади.

Маърифат

Ахборот-кутубхона маркази ҳақиқий мутолаа масканига айланди

Рўзимбой ҲАСАН,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Ёш авлод тарбиясида китобнинг ўрни бекиёс! Тарбиянинг асоси, мағзи ва пойдевори китобда, китоб мутолаа қилишда.



Сўнгги йилларда юртимизда китоб мутолаасига бўлган муносабат кескин ўзгарди. Одамлар китобга қайтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 июндаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисида ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни

янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ва шу қарор асосида тасдиқланган 2019-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш концепцияси бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Хоразм вилояти ахборот-кутубхона марказига буюк мутафаккир бобомиз Маҳмуд аз-Замахшарий номи берилган. Бундан саккиз юз йил муқаддам араб грамматикасини яратган буюк аллома фан оламидаги тенгсиз деб тан олинган асарларини яратиш учун ўзи ҳам, шубҳасиз, қанча асарлар, китобларни мутолаа қилган.

Мазкур даргоҳда қисқа муддатда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Аввало, уч қаватли марказ тўла қайта таъмирланди. Ўқув, китобларни сақлаш, тақдимотлар учун барча замонавий техника ускуналари билан жиҳозланган заллар ҳайратингизни оширади. Марказ энг сўнгги русумдаги компьютерлар, сервер машиналари, сканер каби ўндан ортиқ турдаги юздан зиёд техника воситаси билан таъминланди. Ана шу мақсадлар учун қарий беш миллиард сўм сарфланди.

— Ҳозирги дунёни интернет эгаллаган замонда фондимиздаги китобларнинг

электрон нусхаларини яратиш, айниқса, пандемия шароитида ўзини тўла оқлади, — дейди вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Раҳимбой Қўрбонов. — Аҳолига масофадан туриб хизмат кўрсатишни йўлга қўйишимиз натижасида ўқувчилар сони 20 фоиз ошди. Шунингдек, барча ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларимизга эгамиз.

Марказимиз оптик талапи интернет тармоғига уланган. Бу эса ўқувчилар сони кун сайин ошиб боришига имкон яратяпти. Яна бир мисол. Ўтган қисқа даврда фондимизда сақланаётган 1200 та китобнинг аудио шакллари яратиди ва ўқувчиларга тақдим қилдик. Айтиш пайтда Хоразм Маъмур академияси, Ичан қалъа музей-қўриқхонаси ҳамда барча олий ўқув юртлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Талабалар зарур илмий адабиётларни ўқиб-ўрганишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Вилоят ахборот-кутубхона маркази пойтахтимиздаги Гёте институтининг ўқув маркази билан яқин алоқани йўлга қўйган. Ўқув маркази томонидан китоблар ва журналлар мунтазам почта орқали етказиб берилмоқда. Жорий йилда ушбу марказ томонидан икки юздан ортиқ ки-



Икки йил олдин Президентимизнинг воҳага ташрифи доирасида Урганч туманидаги Гойбу қишлоғида Ўзбек — туркман дўстлик уйи очилган. Мазкур дўстлик уйида ҳам марказнинг филиали ишга туширилиб, у ерда ўзбек ва туркман тилидаги китоблар жамланган.

тоб ва журнал, шунингдек, ўн опти миллион сўмлик замонавий техника ускуналари тақдим этилди. Булар китобхонлар, айниқса, талаба ёшлар учун немис тилини мукамал ўрганишда қўл келмоқда. Икки йил олдин Президентимизнинг воҳага ташрифи доирасида Урганч туманидаги Гойбу қишлоғида Ўзбек — туркман дўстлик уйи очилган. Мазкур дўстлик уйида ҳам марказнинг филиали ишга туширилиб, у ерда ўзбек ва туркман тилидаги китоблар жамланган. Хулоса қилиб айтганда, яқиндагина кўримсиз, ўқувчи эмас, ўткинчи йўловчи эътиборини ҳам тортмайдиган бу манзил тилидаги китобхонлар учун том маънода мутолаа марказига айланди.



Низомиддин МАҲМУДОВ, филология фанлари доктори, профессор

Бугун "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" ғояси асосида ўз тараққиётининг тамомила янги босқичига дадил қадам қўётган мамлакатимизда барча соҳада бўлаётгани каби давлат тилининг ўрни ва нуфузини ошириш борасида ҳам туб бурилиш жараёнлари бошланди.

Президентимиз ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида бу борада қилинадиган қўламли ишларнинг тўлақонли тархнини чизиб берар экан, бу ишларнинг пировард натижаларини қуйидагича ифода этди: "Мухтасар айтганда, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эътибор ва садоқатни она Ватанга эътиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим". Ҳар бир фуқаронинг онгу шурида ана шу қонданнинг саломатлиги ва собитлиги юрт юксалишининг ҳам, мамлакат мустақиллиги муҳофазаси мунтазамлигининг ҳам гаровидир.



ТИЛ ВА ЖАМИЯТ ТАНОСИБИ СИНОАТЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 мартдаги "Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таркибиде социоллингвистика бўлими ташкил этилди. Мазкур қарорда бу бўлимнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган: "Ўзбек тилининг ривожланиши билан боғлиқ фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш ва кенгайтириш; ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш борасидаги илмий изланишларни кучайтириш; ўзбек тилининг ёзма матни меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш; ўзбек тилининг изоҳли лўғатлари, давлат тилида иш юритиш бўйича қўланма ва адабиётлар тайёрлаш; давлат тилини ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш".

Социоллингвистик тадқиқотлар тилнинг ўз соҳиби билан бақамти ҳаётининг норавшан пучмоқларига чироқ туттишга имкон беради. Бу маънода социоллингвистика бугун дунёда энг истиқболли парадигма сифатида устуворлашиб бораётган антропоцентрик тилшунослик ўзанларида ҳаракат қилади. Социоллингвистик изланишларнинг илмий натижалари ва бу асосдаги тавсиялар мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги фаолиятини қонуний ва ҳаққоний, ҳолис ва ҳар тарафлама йўлга қўйиш, унинг мавқеи ва нуфузини ошириш ишлари қўламини янада кенгайтиришни натижадор режалаштиришга кўмаклашади. Шунинг учун ҳам тил тадқиқига социоллингвистик ёндашув нафақат назарий, балки фавқулодда салмоқли амалий аҳамиятга ҳам моликдир.

Тилнинг пайдо бўлишидан тортиб, унинг тарихий тараққиёти яшаш тарзига, истиқомат шариоитидан тортиб, эврилли шамойилларига, умуман, бу яхлит беназир ҳодисанинг моҳияти ва табиатини осонлик билан инкишоф қилиш мушкул иш. Зотан, инсон тили бениҳоя мураккаб, кўп томонлама, ўзига хос муҳташам ва мунтазам ҳодисадирки, унинг барча жиҳатларини яхлитлигича ва бирданига тасаввур қилишга кўпда инсон ақли ожизлик қилади. Биз илгариги ишларимизда ҳам бир неча бор қайд этиб ўтганимиздек, дунё тилшунослиги тарихида шунинг учун ҳам тил деган ҳодисага хилма-хил ва бир-биридан фарқли ёндашувлар юзага келган. Албатта, бу ёндашувлар учун тилнинг муайян бир жиҳати асос қилиб олинган, айни шу жиҳатни чуқурроқ очишга ҳаракат қилинган, тилнинг бутун мураккаб моҳиятига дахлдор барча ўзига хосликлар ана шу жиҳатдан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этилган. Тилшунослик тарихида шаклланган психологизм, социологизм, натурализм, структурализм, эстетизм каби кўпдан-кўп оқимларни эсга олиш kifoya. Табиийки, бу "изм"лар англаган хусусиятларнинг ҳеч бири тилнинг моҳиятига бегона эмас, тил моҳиятида улардан бирининг борлиги бошқасининг мавжудлигини асло инкор этмайди. Айтилик, тилнинг моҳиятида психиклик (руҳий жиҳат)нинг мавжудлиги унда эстетиклик (гўзаллик, бадиий-ифодавийлик)нинг мавжудлигига дахл қилмайди. Шунинг учун тилнинг моҳиятини очишда мазкур хусусиятларнинг барчаси ҳисобга олиниши лозим. Аммо дунё тилшунослиги тарихидаги бир неча асрлик тажрибалар кўрсатиб турибдики, бу осон иш эмас, мазкур оқимлар намоёндалари ҳам ўз танлаган йўллари билан тадқиқ этишдаги энг мақбул йўл деб ҳисобланган, бу йўлда ўрганиш объектини ва унинг моҳиятини аниқ кўрсатиб беришга бутун умрларини сарфлаганлар. Албатта, тилнинг мукамил тадқиқи йўлларини топиш борасидаги жиддий саъй-ҳаракатлар ҳамон давом этмоқда, инсоният тараққиётининг мислсиз жадаллашуви билан бу ҳаракатлар янада суръат ва кўлам касб қилмоқда.

Бугунги кунда даярли ширларга айланиб бўлган "Тил — маънавият кўзгуси", "Тил — маданият кўзгуси", "Тил — миллат кўзгуси", "Тилда халқ руҳи акс этади" каби образли ифодаларнинг маъно моҳиятида тилнинг жамиятга, жамият аъзоларига, уларнинг ахлоқий интизомига гайрихитрий суратда таъсир қилиш қуввати зухур этиб туради. Дунё тилшунослигига лисоний нисбийлик гипотезасининг ҳаммуаллифларидан бири Бенжамин Ли Уорфнинг ушбу гапига ҳам азалий ҳақиқат бор: "Эҳтимол, кўпчилик одамлар урфга кирган сўз қўллаш меъёрилар тафаккур ва ахлоқнинг айрим шакллари билан таъсир деган фикрга қўшилидилар". Айтиш жоизки, шунинг учун ҳам мамлакат, жамият маънавий-маданий тараққиётини тил тараққиётидан айро ҳолда тасаввур этиш мушкул. Демакки, тилнинг

жамият тараққиётига, халқ маънавиятига мунтазам таъсирини нафақат эътироф қилиш, балки бу фавқулодда муҳим социоллингвистик жараёнларни ҳам диахрон (тарихий), ҳам синхрон (замонавий) нуктаи назарлардан тадқиқ этиш бугунги даврнинг долзарб талабидир.

Ақсарият тилшуносликларда тилни систем-структур ҳодиса сифатида тадқиқ қилиш, уни, асосан, соҳибсиз бир тузилма ўлароқ талқин этиш узок вақт ҳукмронлик қилди. Мутахассислар тўғри таъкидлаганларидек, "структурал тилшуносликнинг асосий йўналишларида эътибор, энг аввало, тил тизимининг имманент (ички) хусусиятларига қаратилди, бу тизимнинг инсон, жамият, тафаккур ва бошқа экстралингвистик омиллар билан боғлиқлиги тамоман назардан соқит қилинди." Бунинг натижасида тилдай мураккаб хилкатнинг сийрати эмас, балки фақат сурати ўрганилди, тирик тил ўзининг руҳи ва жонидан жудо бўлди. Албатта, ушундай ўрганиш ҳам керак, лекин тилни фақат шу тарздагина ўрганиш яхлит мақсадга, алал-оқибат, мутлақо олиб бораолмайди. Тилни яхлит тирик ҳодиса сифатида ўрганишдаги ана шундай нотамолиқни тамом қилиш, бу бўшлиқни тўлдириш эҳтиёжи билан социоллингвистикнинг юзага келганлиги ҳақидаги фикрлар ҳам йўқ эмас.

Бу ўринда яна бир бениҳоя муҳим масалага ойдинлик киритиш жоиздай қўринади. Филологияда баъзан тилни шакл сифатида қарашга бир қадар мойиллик бор. Масалан, айрим тилшунослар бадиий асар доирасида тилнинг шакл унсурларидан бири эканига ургу беради. Шунингдек, "бу фикр ўзбек тилида мана бундай ифодаланган"ди қабилдаги ифодаларда ҳам тил гўеки фақат шакл тарзида тасаввур қилингандай бўлади. Бенжамин Ли Уорф қайд этганидек, "оддий ва одатий мантиққа кўра, нутқ фақат фикрни ифодалаш, узатиш билангина боғлиқ бўлган, аммо унинг шаклланишига алоқаси ҳаққонийдир. Нутқ, яъни тилни қўллаш умумий чизги-ларда тил ёрдамисиз шаклланиб бўлган нарсани "ифодалайди", холос. Фикрнинг шаклланиши — бу гўеки тафаккур ёки фикр деб аталадиган ва алоҳида конкрет тилларнинг табиатига мутлақо

шунинг учун башарият тарихида ҳар бир халқ ўз тилини ана шундай кўриш ва ҳар қандай бегона таъйиқлардан қўриш мақсадида она тилини тақомил топтиришининг пайидан бўлган.

Америкалик олимнинг қуйидаги гапларида ҳеч қачон эскирмайдиган чўғ ҳақиқат ўз тажассу-минини топган: "Келажакда бир тилда — у англиз тили бўладими, немис ёки рус тили бўладими — гапирадиган инсониятни тасаввур қиладиганлар, шунга ишонадиганлар инсоният тафаккури тараққиётига улкан зарар келтиришга қодир бўлган нарсани идеал деб билганлари учун қаттиқ адашдилар". Зотан, бегона тил унсурларининг муайян бир тилга керагидан ортиқ ва бу тил қўниятиларига ноуғун тарздаги босқини шу тилдаги миллий тафаккур мувозанатини муаллақлаштириши дунё тарихи сабоқларидан маълум.

Социоллингвистик тадқиқ ва талқинларда тил ва тафаккур, тил ва маданият муносабатлари, тафаккур ва маданиятнинг шаклланиши ҳамда ривожиде тилнинг фавқулодда ўрни мунтазам назарда тутилмиши керак. Ҳеч бир жамиятни мазкур муаммолардан ташқарида тасаввур қилиш мумкин эмаслигини исботлаш эҳтиёжи йўқ.

Шубҳасизки, социоллингвистика ўз моҳиятига мувофиқ тилни кўпроқ қўлаш, яъни нутқ шаклидаги намоён бўлиш қўниятиларига асосий эътиборни қаратади. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар социоллингвистикнинг бош вазифаси сифатида тилни қўллаш назариясини яраттишни, тилнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳақидаги умумий назарияни шакллантиришни қайд этдилар, нутқий ахлоқ, нутқий интизом қоидаларини инкишоф этишини муҳим деб ҳисоблайдилар. Лисоний шаклланишнинг вариантдошлиги ва мавжуд вариантлардан тегишлисини танлаш, табиийки, нутқ вазияти ҳамда нутқ иштирокчиларининг ижтимоий мақоми, уларда барқарорлашган лисоний одат-ахлоқ ва бошқа экстралингвистик омилларга чамбарчас боғлиқ. Нутқдаги кўпдан-кўп бирликлар каби вариантдошлиқнинг юзага келишининг ўзиёқ ибтидодан ижтимоий омилларнинг ҳаракати маҳсулидир.

Айни пайтда, бу ҳодиса, яъни вариациялар, социоллингвистлар қайд этганларидек, тил



алоқадор бўлмаган мустақил жараёндек. Тил грамматикаси — бу фақат одатга кирган аънавий қоидаларнинг жами, аммо тилни қўллаш гўеки бу қоидаларга унчалик ҳам эмас, балки тўғри, рационал ёки мантикий тафаккурга бўйсунмади." Бундай жўн қараш ва тушунчаларни таҳлил ва танқид қилар экан, Уорф ҳар қандай лисоний тизимнинг асоси бўлган грамматика фикрларни қайта ифодалашнинг шунчаки кўроли эмаслигини, ақсинча, грамматиканинг ўзи фикрни шакллантиришни, индивид тафаккур фаолиятининг дастури ва йўриғи эканини, фикрларнинг шаклланиши мустақил жараён эмас, балки у ёки бу тил грамматикасининг қисми эканини таъкидлайди ва бундай хулоса қилади: "Биз табиатни она тилимиз кўрсатган ўзанлар ичида бўлақлаймиз".

Умуман, тил ва унда ифодаланадиган мазмун мутлақо муҳтор эмас. Тил ва мазмун ўртасидаги муносабат икки томонламадир, бу муносабатни инсон танаси ва танани ёпиб турган кийим ўртасидаги муносабатга ўхшатиб бўлмайди. Ҳар қандай фикр, мазмуннинг шаклланишида тил, албатта, иштирок этади. Ҳатто айрим тилшунослар тил иштирокисиз бирон-бир мураккаб ақлий фаолиятнинг имконсиз эканига, тилнинг ҳайратланарли моҳияти, аввало, ана шунда қўришишга ургу берадилар. Қисқаса, ҳар бир тил ўзига хос тафаккур, ўзига хос маданият, дунёни ўзига хос кўриш тарзидир,

таҳлилида периферияда эмас, балки марказий ўринда муаммалашадиган ҳодисалардир. Шунинг учун ҳам англиз тилшуноси Т.Б.Рожер алоҳида таъкидлайдики, тилшунослар бундай тил ҳодисаларни талқинида фақат "грамматик тўғрилиқ"нигина эмас, балки янада мураккаброқ бўлган "ижтимоий мақбуллик"ни ҳам ҳисобга олишлари зарур. Шарқнинг буюк пандномаси "Қобуснома" (XI аср) асариде нутқда сўзловчининг мақоми зухур қилишини ёдда тутиш ҳақида насихат бор: "Ҳар сўзни халойиққа зоҳир қилсанг, яхши юз била зоҳир қил, токи мақбул бўлсун ва халойиқ сенинг сўз била баланд мартабага эғалигини билсунлар. Недимкин кишининг мартабасини сўз била билурлар, аммо сўзнинг мартабасини киши била билмаслар, чунки ҳар кишининг аҳоли ўз сўзининг остида пинҳондур." Бадиий адабиётдаги қаҳрамоннинг сурати ва сийратини, жамиятдаги мақом ва мавқеини унинг нутқи воқитида чизиб энг мақсулдор усуллардан бири эканлиги ҳам социоллингвистик заминга эга.

Тилда бир қатор бирликлар, ифодалар мавжудки, уларни социоллингвистик ёндашувсиз ўрганишини асло имконий йўқ. Хусусан, хилма-хил дейисик бирликлар, ундовлар, моддал сўзлар, мурожаат сўзлари, ундолар билан бошқа бирликларнинг моҳияти ва қўлланиш қоидалари — қўниятиларини очиб ўқиш, албатта, биринчи навбатда, социоллингвистик омилларга мурожаат қилмасликнинг иложи йўқ.

Нутқнинг вазифавий услублари тилнинг жамиятда қўлланиши, турли ижтимоий соҳаларга, ижтимоий вазифаларга хосланиши билан боғлиқ шаклландирки, тилнинг бутун рангин ва зангин яшаш тарзи ва йўсинлар бевосита ана шундай намоён бўлади. Демакки, нутқнинг вазифавий услубларидаги қўниятиларни социоллингвистикасиз инкишоф қилиб бўлмайди. Бу жиҳатдан қараганда, яна бошқа кўпдан-кўп услубий-коннотатив хусусларни инобатга олганда, социоллингвистика ва стилистика ўртасида кесилишадиган нукталар бениҳоя кўп.

Семиотикада белгининг уч жиҳати фарқланади, яъни семантика, синтактика ва прагматика. Тилшуносликдаги мавжуд талқинлардан аёнки, семантика белгининг ўзи ифодаланган нарса (маъно) билан муносабатини, синтактика белгининг белги билан муносабатини, прагматика эса белгининг ундан фойдаланувчи билан муносабатини назарда тутади. Бу маънода социоллингвистикага "прагматиканинг муҳим таркибий қисми" сифатида қаралади, аммо семантикада лисоний бирликнинг бошқаси билан синтактик алоқасининг жуъли бўлишида у ёки бу тарзда сўзловчи ва тингловчининг мақомини эътибордан соқит қилиб бўлмайди (масалан, "Сен"/"Сиз" каби), демакки, бевосита бўлса-да, социоллингвистиканинг, камида, соясини кўриш мумкин.

Жамиятдаги ўзгариш, янгилашлар, биринчи навбатда, тилнинг лўғат бойлигиде ўз ифодасини топади. Жамиятнинг ўзгариши, тақомиллашishi баробарида бу жамиятга хизмат қилувчи тилнинг лўғат таркиби муҳтоо табиий равишда тўқсиллаш боради. Одатда, сўздаги тушунага жамиятнинг ижобий ёки салбий муносабати асосида муайян коннотация барқарорлашади. Жамият асослари ўзгарганда, янгилаганда, бу коннотациялар тубдан ўзгариши мумкин. Масалан, Ўзбекистон мустақиллигидан аввал бой сўзига нисбатан ҳам салбий коннотация мавжуд эди, албатта, бу ўша давр тутумларига уйғун эди.

Эски жамиятда барқарорлашган оммавий идрок ўзанига мувофиқ бу сўзнинг асосий маъноларидан бири ҳам эски изоҳли лўғатда "киши кучидан фойдаланиш ҳисобига бойлиқ, дунё ортирган (одам)" тарзида тавсифланган. Бугун эса мамлакатимизда бой сўзи ўзининг чин маъносини билан қовушди, "биронинг кучидан фойдаланиш ҳисобига" эмас, балки ўзининг ҳалол ва машаққатли меҳнати, фавқулодда ақлу заковати, тадбиркорлигининг ҳадиси ҳисобига дунё ортирганлиги номлайдиган бўлди, бу сўз англаган тушунча жамиятда ҳақиқий ҳаваснинг ҳадафига айланади. Ёки асосий маъносини "элемент" бўлган унсур сўзига эски даврда "хавфли, бузғунчи одам; давлат душмани; халқ душмани" деган салбийдан-салбий маъно оқланган эди. Бугун истиқбол бу салбий маънони бу сўзнинг бўйнидан олиб ташлади, бу сўз аслан мавжуд бўлган "элемент, таркибий узв" маъносини билан тилмиз лексикасининг фаол қатламидан ўрин олди. Эски изоҳли лўғатда *банкир, биржа, жаноб, капитал, парламент, сенат, фирма* каби сўзлар ҳам "капиталистик мамлакатларда", "буржуа феодал жамиятларида", "буржуа мамлакатларида" сингари изоҳлар билан тавсифланганки, бу билан ўша даврдаги жамиятнинг бу тушунчаларга нисбатан манфий баҳоиси алоҳида қайд этилган. Бугун эса мустақиллик бу сўзларнинг юзини ёруғ қилди, улар жамиятимизда ҳолис ва эҳтиромли мақомага эга бўлди.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг она тили ва давлат тили сифатидаги фаолияти, шунингдек, юртимиздаги 130 дан ортиқ тилнинг яраши, уларнинг ривож борадида давлат томонидан қўрсатилаётган эътибор, умуман, шаклланган тил сиёсатида дахлдор муаммоларни ўрганиш ҳам социоллингвистиканинг муҳим ва алоҳида йўналишларидан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилининг социоллингвистик муаммоларини, хусусан, тил ва жамият орасидаги теран таносиб синоплатларини қўламли ва тўлақонли тадқиқ этиш тилмиз ривожини янада жадаллаштириш, юртимиздаги лисоний вазият барқарорлигини таъминлаш ва мамлакатимизда шаклланган ҳолис ва одил тил сиёсатини тўлақонли идрок этиш ҳамда унинг тарғибини янада юксак босқичга кўтариш ишига кўмаклашади. Миллий юксалиш сари дадил оқимлаётган Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги даври ана шундай тадқиқотларни яратишни тақозо этмоқда.